

«ТАСДИҚЛАНГАН»

АТБ «InFinBank»  
Кенгаши РаисиЛавозими  
А.Н. Ахмаджанов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

(АТБ «InFinBank» Кенгаши  
Баённомаси  
№ 69 «12» 10 2022 й.)АТБ «InFinBank»  
Бошқаруви Раиси

Б.Н. Бурханов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

(АТБ «InFinBank» Бошқарув  
Баённомаси№ 112 «12» 10 2022 й.)

Рўйхатдан ўтказилган:

№ ДСК № 14 «12» 10 2022 й.

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ  
«INVEST FINANCE BANK»  
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ  
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ  
ДСК № 14

Ҳужжат АТБ «InFinBank»нинг мулки ҳисобланади. Сифат бўйича раҳбарият вакили билан олдиндан келишилмаган ҳолда мазкур ҳужжат матни бутунлигича ёки қисмлар бўйича қайта нашр қилиниши ёхуд Банк ходими ҳисобланмаган учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

Ҳар қандай ўзгаришлар мазкур ҳужжатнинг аслига ва фақат назорат қилинадиган нусхаларига киритилади.

**МУНДАРИЖА**

Ўзгаришларни қайд этиш варағи .....	4
1. МАҚСАДЛАР.....	5
2. ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ.....	5
3. ҲАВОЛАЛАР .....	5
4. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР .....	5
5. ЖАВОБГАРЛИК.....	6
6. АХБОРОТНИ ОШҚОР ҚИЛИШ.....	6
7. САҚЛАШ .....	9
9. ТАРҚАТИШ .....	10

## Ўзгаришларни қайд этиш варағи

Ўзгаришлар рақами	Ўзгаришлар мазмуни	Тасдиқланган	Амалга киритилган	Ҳужжатларни бошқариш учун масъул шахс имзоси

## 1. МАҚСАДЛАР

- 1.1. Мазкур Низом мақсади акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахслар (бундан буён матнда – “манфаатдор шахслар”)нинг АТБ “InFinBank” (бундан буён матнда – “Банк”) ва унинг фаолияти тўғрисида ишончли маълумотлар олиш бўйича ахборот эҳтиёжларини қондириш орқали Банк фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашдан иборат.
- 1.2. Мазкур Низом манфаатдор шахсларнинг улар томонидан инвестициявий ва бошқарув қарорлари қабул қилиниши учун муҳим ҳисобланган Банк ва унинг фаолияти тўғрисида шубҳасиз тўғри ахборот олиш ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, шунингдек Банк тўғрисидаги махфий ахборотни ҳимоя қилишга йўналтирилган.
- 1.3. Ахборотнинг тижорат сирига киритилиши, ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари Банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сирини тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.
- 1.4. Мазкур Низом мажбурий ошқор қилинадиган ахборот ва ҳужжатлар рўйхатини белгилайди, шунингдек, уларнинг Банк томонидан тақдим қилиниш тартиби ва муддатларини тартибга солади.

## 2. ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

- 2.1. Мазкур Низом талаблари Банкнинг барча бўлинмаларига жорий қилинади.

## 3. ҲАВОЛАЛАР

- 3.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сирини тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон қарори, Қимматли қоғозлар бозоридида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари (Адлия вазирлигида 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатга олинган), Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишида 9-сон баённома билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## 4. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

- 4.1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар ва ифодалардан фойдаланилган:
  - 4.1.1. **Ахборот** – Банк учун қийматга эга актив бўлиб, у тегишли равишда ҳимоя қилиниши керак.
  - 4.1.2. **Корпоратив веб-сайт** – Банк расмий веб-сайти: [www.infinbank.uz](http://www.infinbank.uz).
  - 4.1.3. **Банк Кенгаши** – Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк Уставида Банк акциядорлари умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш

- бундан мустасно. Банк Кенгаши ваколатига Банк фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаш, молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш, самарали ички назорат тизимини ташкил қилиш ва фаолиятини амалга ошириш, акциядорлар ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек ижро органлари фаолиятини назорат қилишни амалга оширади;
- 4.1.4. **Банк Бошқаруви** – Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширадиган, Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши томонидан белгиланадиган Банк мақсадлари, стратегиялари ва сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган Банкнинг коллегиял ижро органи;
- 4.1.5. **Мухим фактлар** – Банк молия-хўжалик фаолиятида ёки корпоратив ҳаракатларида юз берган, акциялар қийматида ёки улар бўйича даромад миқдорига таъсир этиши мумкин бўлган ўзгаришлар.

## 5. ЖАВОБГАРЛИК

- 5.1. Банк корпоратив веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сонли Қарорида рўйхати белгиланган ахборотнинг ошкор қилиниши учун Маркетинг ва реклама департаменти жавобгар бўлади.
- 5.2. Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуннинг 44-моддасида назарда тутилган ахборотнинг тўғрилиги ва ўз вақтида ошкор қилиниши учун жавобгарлик Банк корпоратив консултантга юклатилади.
- 5.3. Таркибий бўлинмалар, шунингдек керакли ахборотнинг ўз вақтида ошкор қилиниши, шунингдек тегишли ахборотнинг Маркетинг ва реклама департаментига келгуси ошкор қилиниши мақсадида тақдим қилиниши учун масъул шахслар рўйхати Банк Бошқаруви Раисининг алоҳида буйруғи асосида белгиланади.
- 5.4. Банк Бошқаруви Раиси ва унинг ўринбосарларидан ташқари, бошқа шахслар Банк номидан сўзлашга ҳақли эмас. Бунда, Банк Бошқаруви Банк фаолияти тўғрисида асосли ахборотнинг ўз вақтида ошкор қилинишини ташкиллаштириш учун жавобгар бўлади.
- 5.5. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## 6. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ

- 6.1. Асосий тамойиллари
- 6.1.1. Ахборотни ошкор қилишнинг асосий тамойиллари ахборот ресурсларининг доимийлиги, оперативлиги, фойдаланиш имконияти мавжудлиги, тўлиқлиги, тенг ҳуқуқлилиги, мувозанатланганлиги, ҳимояланганлигидан иборат.
- 6.1.2. Доимийлик тамойили Банк томонидан манфаатдор шахсларга доимий асосда Банк тўғрисида ахборотнинг тақдим қилинишига йўналтирилган.
- 6.1.3. Оперативлик тамойили Банк қисқа муддатларда манфаатдор шахсларни Банк молия-хўжалик фаолиятига таъсир этадиган, шунингдек унинг манфаатларига даҳл қиладиган муҳим воқеалар ва фактлар тўғрисида хабардор қилишини англатади.
- 6.1.4. Фойдаланиш имконияти мавжудлиги тамойили остида Банк ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатишнинг манфаатдор шахсларнинг ошкор қилинадиган

ахборотдан эркин, қийинчиликсиз ва танловсиз фойдаланишини таъминлайдиган каналлар ва усуллардан фойдаланилиши тушунилади.

- 6.1.5. Тўлиқлик тамойили Банк барча манфаатдор шахсларга фаолиятга мувофиқ, бунда Банк тўғрисида, Банк фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини берадиган ҳажмда ўзи ҳақида салбий ахборотни ошкор қилишдан бош тортмаган ҳолда, ахборот тақдим қилишини англалади.
- 6.1.6. Тенг ҳуқуқлилик тамойили Банк барча манфаатдор шахсларга Банк фаолияти тўғрисида ахборот олишда ва ундан фойдаланишда тенг ҳуқуқларни таъминланишини англалади.
- 6.1.7. Мувозанатланганлик тамойили Банк очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда унинг тижорат манфаатлари таъминланиши ўртасида оқилона мувозанатга риоя қилинишини назарда тутати. Бунда, қуйидагилар мажбурий шартлар ҳисобланади:
- а) махфий ахборотни ҳимоя қилиш;
  - б) қонун ҳужжатлари ва Банк ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш.
- 6.1.8. Ҳимояланганлик тамойили тижорат, банк сирини ёки бошқа сирни ўз ичига олган ёки махфий ахборот ҳисобланган ахборотни қонун ҳужжатларида руҳсат берилган ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутати.

6.2. Қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ошкор қилинадиган ахборот рўйхати, уларни ошкор қилиш муддатлари ва тартиби

- 6.2.1. Банк Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон қарори, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари (Адлия вазирлигида 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатга олинган) ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усулларда мажбурий ошкор қилинадиган ахборотни ошкор қилади.
- а) Ахборотнинг мажбурий ошкор қилиниши қуйидагилар орқали амалга оширилади:
  - б) Ягона корпоратив ахборот порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга келтириш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида;
  - в) фонд биржаси расмий веб-сайтида (www.uzse.uz);
  - г) Банк корпоративвеб-сайтида;
  - д) Оммавий ахборот воситаларида.
- 6.2.2. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга келтириш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ёки фонд биржаси расмий веб-сайтида мажбурий ошкор қилинадиган ахборотни ўз ичига олган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:
- а) қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган ҳолатда);
  - б) Банкнинг йиллик ҳисоботи, шу жумладан Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик ҳисоботи;
  - в) йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва тўққиз ойи яқунлари бўйича ҳисобот;

- г) Банк фаолиятидаги муҳим факт тўғрисида хабарнома.
- 6.2.3. Банк юкорида қайд этилган ахборотни Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидаларида (Адлия вазирлигида 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатга олинган) белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор қилади.
- 6.2.4. Қимматли қоғозлар фонд биржасининг биржа котировка варағига киритилган ва (ёки) котировка варағида бўлган ҳолатда, Банк барча керакли ахборотни Биржа бюллетени тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ошкор қилади.
- 6.2.5. Банк корпоратив веб-сайтга эга ([www.infinbank.uz](http://www.infinbank.uz)) ва унда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон Қарорида рўйхати белгиланган ахборот ошкор қилинишини таъминлайди.
- 6.2.6. Оммавий ахборот воситаларида қуйидаги ахборот мажбурий ошкор қилинади:
- а) Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида хабарнома;
  - б) жойлашган манзил (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида билдириш хати;
  - в) Банкнинг имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорларига акциялар ёки акцияларга конвертация қилинадиган эмиссион қимматли қоғозларни харид қилиш таклифи;
  - г) Банк томонидан акцияларни сотиб олиш тўғрисида ахборот;
  - д) Банкнинг тугатилиши, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабномалар бериш тартиби ва муддати тўғрисида ахборот.
- 6.3. Қўшимча ахборотни ошкор қилиш рўйхати ва тартиби
- 6.3.1. Банк манфаатдор шахслар учун қулай бўлган инглиз, рус тили ва бошқа тилларда сайт версияларини ташкил қилиш, уларда тегишли тилга таржима қилинган давлат тилидаги барча ахборотни жойлаштириш орқали расмий веб-сайт такомиллаштирилишини таъминлайди.
- 6.3.2. Банк ўз расмий веб-сайтида қуйидаги қўшимча ахборотни ошкор қилади:
- а) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш мажбуриятларини қабул қилиш ва унга риоя қилиш тўғрисидаги ахборот;
  - б) Банк Бошқаруви аъзолари тўғрисида маълумотлар, шу жумладан уларнинг Банк тизимида ишлаш давридаги маълумотлари;
  - в) Банк устав фондида акцияларнинг 20 фоизидан кўпроғига эга акциядорлар тўғрисида ахборот;
  - г) таклиф қилинадиган соф фойда тақсимланиши, дивидендлар миқдори асослари, уларнинг Банк дивидендларини тўлаш сиёсатига мувофиқ баҳолаш, шунингдек, зарур ҳолларда, соф фойданинг муайян қисмини Банкни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтириш ҳажмларини изоҳлаш ва иқтисодий жиҳатдан асослаш;
  - д) хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатилиши (олиниши) тартиби, шартлари ва тегишли қарорлар қабул қилиниши тўғрисида, шунингдек амалда кўрсатилган (олинган) хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам тўғрисида ахборот.
- 6.3.3. Банк ахборотни ошкор қилиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда ҳам ахборот ошкор қилинишини таъминлайди.

6.4. Банк бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатдор шахслар билан ахборот алмашинув тартиби

- 6.4.1. Банк бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатдор шахслар билан ахборот алмашинуви учун Банк ахборот алмашинувини амалга оширадиган масъул ходимни тайинлайди.
- 6.4.2. Манфаатдор шахсларнинг мазкур Низомда назарда тутилган ахборотни тақдим қилиш тўғрисида ёзма (электрон) талабномаси бўйича масъул ходим, агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ҳафта мобайнида барча керакли ахборотни электрон шаклда тақдим қилади.
- 6.4.3. Акциядорлар Банк ёки унинг фаолияти тўғрисида хизмат, тижорат, банк сирини ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

## 7. САҚЛАШ



- 7.1. Мазкур Низомнинг асл нусхаси Банк Юридик департаменти Методология бўлимида ДСК № 14 -рақам билан сақланади. PDF форматидаги электрон нусхаси фойдаланиш учун умумий серверда сақланади. Мазкур Низомнинг DOCX форматидаги электрон нусхаси ҳужжатни ишлаб чиқувчида ва Юридик департаменти методология бўлимида сақланади.

## 8. ХУЛОСА

- 8.1. Ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, ишончли ва тўлиқ ошкор қилиниши Банк Бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ва мукофот пуллари (бонуслар) тўлаш шarti ҳисобланади.
- 8.2. Мазкур Низом белгиланган тартибда Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.
- 8.3. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Банк Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан, мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Банк Устави нормаларига амал қилиниши керак.



## 9. ТАРҚАТИШ

Бўлинмалар бўйича ҳужжатларни тарқатиш рўйхати		Тўлдирилган сана:
		“12” 10 2022 йил
ДСК № 14	2-сон таҳрир	Амалга киритилган сана: “12” 10 2022 йил
Тарқатиладиган ҳужжатнинг номи		<b>ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГ «INVEST FINANCE BANK» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ АХБОРОТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ</b>
т/р	Ҳужжат тарқатиладиган бўлинма номи/ мансабдор шахснинг исм-шарифи	
1		
2		
3		
4		
5		
6		
7		
8		
9		
10		
Ишлаб чиқувчи имзоси		Методология бўлими бошлиғи
		

## 10. ТАНИШИБ ЧИҚҚАНЛИКНИ ҚАЙД ЭТИШ ВАРАҒИ

т/р	Ф.И.Ш.	Лавозими	Танишиб чиқилган сана	Имзо








2-сон тахрир

Тасдиқланган: 12/10/2022

Амал қилиш муддати: 11/10/2027

10 та саҳифанинг 10-бети

КЕЛИШИЛГАН:

- О.Л.Нуманова  «12» 10 2022 й.  
Ф.И.Ш. ИМЗО
- П.Т.Салимов  «12» 10 2022 й.  
Ф.И.Ш. ИМЗО
- Б.С. Джураев  «12» 10 2022 й.  
Ф.И.Ш. ИМЗО
- Д.М. Хожиев  «12» 10 2022 й.  
Ф.И.Ш. ИМЗО
- А.А.Имамов  «12» 10 2022 й.  
Ф.И.Ш. ИМЗО
- Р.А. Каримов  «12» 10 2022 й.  
Ф.И.Ш. ИМЗО
- А.У.Режаматов  «12» 10 2022 й.  
Ф.И.Ш. ИМЗО

Ҳужжатнинг амал қилиш муддати:

2022 йил 12/10 дан 2027 йил 11/10 гача.

Узайтирилган: 20 \_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ гача.

Амал қилиш муддати тугаганидан кейинги мақоми: \_\_\_\_\_

Сана

Ҳужжатни бошқариш учун масъул шахс имзоси

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Банк корпоратив  
консультанти

Лавозими

Ш.Ш.Мухаммедов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

Ҳужжат нусхаси рақами: \_\_\_\_\_

Тарқатилган сана: “\_\_” \_\_\_\_\_ 2022 й.

(ҳужжатни тарқатишда ҳужжатни  
бошқариш учун масъул шахснинг асл  
имзоси)

## ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик Департамент томонидан «Чет эл капитали иштирокидаги «INVEST FINANCE BANK» акциядорлик-тижорат банки ахборот сиёсати тўғрисида низом» лойиҳасининг ҳукукий экспертизаси ўтказилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Марказий банкнинг тижоратбанкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблари тўғрисида Низом» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг рўйхатдан ўтказилишини 05.04.2000 йил 916 - сонли талаблари) нинг талабларига жавоб беради.

Юридик Департаменти Директори в.б.



Ж.М. Атамирзаев